Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 36 (2931)
ЖУМА
13 ФЕВРАЛЬ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ОЧИЛИШИГА 10 КУН ҚОЛДИ

Бунёдкорлик ишларининг улкан режалари, ўтган беш йилликдаги меҳнатларига берилган юксак баҳодан илҳомланган Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари коммунистларнинг навбатдаги анжуманини янги зафарлар билан кутиб олиш учун ғайрат кўрсатмоқдалар

ПАРТИЯ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ҲАММА ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЁТГА ТАДБИҚ ЭТАМИЗ!

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон КП Ҳамза район комитетининг навбатдаги пленумида КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССР халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарори ва район партия ташкилотининг вазифалари масаласи кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев доклад қилди.

Партия комитетларининг секретарлари, корхоналарнинг раҳбарлари, халқ контроли группаларининг раислари назоратчиларнинг иш тажрибалари тўғрисида, группа ва постларга партия раҳбарлигини такомиллаштириш тўғрисида гапирдилар.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов ва Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари Н. Р. Армаутов сўзга чиқдилар.

Пленум ишида СССР халқ контроли комитети инспектори Н. А. Ермаков ва Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ф. Н. Назруллаев иштирок этдилар.

Қабул қилинган қарорда халқ контроли группа ва постларн ишини янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлик ва иш сифати учун, ҳар бир ишчи ўрнида иқтисод ва тежамкорлик учун курашдаги ролини ошириш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди.

С. САНДҲОСИЛОВ.

Тонгги газеталарда

◆ «Европа халқларининг манфаати йўлида» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шу мавзуга бағишланган.

◆ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев хўжалик ҳисобидаги қурилиш бригадаларининг бошлиқлари Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларини—тўққизинчи беш йиллик социалистик мусобақаси голибларини, кўп миллионли қурувчилар отрядининг вакилларини самимий табриклайди. «КПСС Марказий Комитети, сизнинг ватанпарварлик ташаббусингиз меҳнат коллективларида янада кенг ёйилади ва партия, касаба союз, комсомол ҳамда хўжалик органларининг ҳар томонлама ёрдами билан оммавий ҳаракатга айланади, деб ишонч билдиради», дейилади жумладан табриконома-да.

МАРРА ЭГАЛЛАНАДИ

Корхонамиз коллективи съездолди социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириб меҳнатда кувончли ютуқларга эришмоқда. Айниқса кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи кундан-кунга ўстирилияпти. Коллективдаги меҳнат беллашувида 2. 4 ва 5-цехларнинг ишчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар декада топшириқларини муттасил 120 — 130 процентдан ошириб адо этмоқдалар. Шунингдек, ишлаб чиқаришда ички резервлардан самарали фойдаланиш, илғорлар тажрибасини кенг йўл очиб бериш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада Рашид Пўлатов бошқараётган 5-цех коллективининг ютуқлари салмоқлидир.

С. МУТАЛОВА,
Тўқимачилик-галантерея фабрикасининг ишчиси.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган сумкалар, соат тасмачалари, тароқлар, кўзойнаклар каби халқ истеъмоли буюмларининг сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Сафимизда П. Турчанова кунлик топшириқларини 150 процентдан ошириб бажариш билан коллективга ўрнак бўлмоқда.

Корхонамиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама этиш мобайнида республикамиз саноатчиларига жўнатилмоқда. Бу эса машинасозларнинг ўнинчи беш йилликка белгиланган режаларни муваффақиятли амалга ошираётганликларини кўрсатиб турибди.



Сергелидаги қуёш тўсқичлари заводининг ишчиси (чапдан) Рифқат Валиаҳмедов ва Мадиёр Бердиевлар КПСС XXV съездига бағишланган меҳнат вахтасини зарбдор суръатларда давом эттирмоқдалар. И. Шоиногомов фотолари.

Мажбуриятга яраша

Трактор заводида мусобақанинг ташкил этишни такомиллаштириш меҳнатсеварларга фактдан ўзиб ишлаш имконини бераётир.

Бугун корхона коллективи янги йилда ишлаб чиқарилган 2 мингинчи тракторни республикамиз дала механизаторларига жўнатди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир-муncha юқори кўрсаткичдир.

Корхона коллективи КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама этиш мобайнида республикамиз саноатчиларига ёрдамни кучайтириш бўйича ошириган социалистик мажбурият қабул қилди. Ҳозир барча цехларда беш йиллик топшириқларни тўрт ярим йилда бажариш бўйича ҳаракат кенг қулоч ёймоқда. Мусобақа биринчи, 18, 19-цехларнинг коллективлари пешқадамлик қилмоқдалар. Ана шу цех коллективларининг ғайрат-шижоати туфайли янги йилнинг ўтган даврида «Т — 28Х4М» маркали 60 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарилди.

Шу кунларда корхонанинг бош конвейеридан ҳар беш минутда битта трактор туширилиб, дала механизаторларига жўнатилмоқда. Бу эса машинасозларнинг ўнинчи беш йилликка белгиланган режаларни муваффақиятли амалга ошираётганликларини кўрсатиб турибди.

• *Қурилиш майдонларида*

СТУДЕНТЛАР УЧУН

8-қурилиш трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари пойтахтимизнинг Жаҳон Обидова кўчасида 57-шаҳар ҳунар-техника билим юрти студентлари учун тўрт қаватли янги ётоқхона биносини қурилишида сўнгги монтаж ишларини олиб боришмоқда. Бошқарманинг бригада пудрати асосида ишловчи Николай Голуб бошлиқ злобинчи коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ётоқхона қурилишида барча монтаж ишларини яхши ва аъло сифатли бажаришмоқда.

Бригада коллективи шу кунларда иш суръатини жадаллаштириб, кундик топшириқларини 115—120 процентдан ошириб адо этмоқдалар. Партиямиз XXV съезди вахтасида ишлаётган бунёдкорлар объектда асосий қурилиш-монтаж ишларини тугаллаб бинони ёрдамчи пудратчиларга топширишга тахт қилиб қўйдилар.

УНУМДОРЛИК ОШМОҚДА

Тошкент область кишлоқ қурилиш трестига қарашли Сергели қурилиш материаллари комбинатида инженер А. Савеньков раҳбарлигида механизацияланган усулда бетон қориш-малари тайёрловчи янги мослама ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу агрегат бир соатда саккиз куб метр бетон тайёрлай олади. Унга цемент, сув ва қўшиладиган материалларни ўлчовчи, ускуналар шунингдек, иккита цемент ва бетонни аралаштиргич бункер ҳам ўрнатилган. Янги мослама цементни аниқ ўлчаб солиш ҳисобига 15 процент цементни тежаш ва тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини берди. Шунингдек, бетон аралашмаларининг механизациялашган усулда етказиб берилиши ишчилар меҳнатини енгиллаштириб, уларнинг иш унумини ҳам оширди Ҳозир янги агрегатга икки оператор ҳизмат кўрсатмоқда. Илгари бу ерда барча ишлар қўлда бажарилар ди ва унда олти киши банд бўларди.

Янги бетон аралаштиргич агрегатини ишлаб чиқаришга жорий этиш йилига 13 минг сўм иқтисодий самара беради.

Самарадорлик йўлидан

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи съездолди вахтасида ишламоқда.

КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор суръатда меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчилари янги йилнинг ўтган декадалари топшириғини 115,4 процент адо этиш билан топшириққа қўшимча 349 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Жумладан эркаклар-нинг 14 минг костюми, 5 мингдан зиёд мактаб формаси каби истеъмол буюмлари тайёрланди. Корхонадаги съездолди социалистик мусобақасида Ҳожиқул Рамиқулов бошлиқ 7-цех коллективи голиблик қилаётир. Цехда меҳнатни ташкил этишга илғор усулларни қўллаш яхши самаралар бераяпти.

М. ТУЛАГАНОВ.

СИФАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Репортаж

Пойафзалнинг ҳар бир янги модели олдин корхона лабораториясида «кашф» этилади.

Лаборатория бошлиги Борис Малишев токчаларда, стол устида ётган бир-биридан чиройли, пишиқ, харидорлар дидига мос эркаклар ва болаларнинг мавсумбоп пойафзалларини кўрсата бошлади.

— Мана бу ёзги сандалетларни, — деди у, — синтетик теридан ишлаб чиқараяпмиз. Олдинги хилларидан фарқи шундаки, таг чарми пишиқ, чидамли бўлиши билан бирга ташқи қўриниши жуда ҳам чиройли.

Корхонамизда йил охиригача ана шундай сандалетларнинг уч хил янги моделидан 174 минг жуфти ишлаб чиқарилади.

— Яқин кунларда Давлат Сифат белгиси аттестациясидан ўтган сунъий чармдан ишланган мавсумбоп пойафзалларни оммавий ишлаб чиқаришга киришамиз,— дейди экспериментал цехининг бошлиги Тоҳир Зокиров. Кейинги йилларда корхонада баҳор ва ёз ойларига мўлжалланган 13 моделдаги янги, енгил пойафзаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маълумки, пойафзални ишлаб чиқариш технологиясида қолипга тортиш ва уни пардозлаш энг асосий жараёнлардан биридир. Биз корхонанинг 9-цехидамиз. Бу ерда асосан ана шу ишлаб чиқариш жараёнлари амалга оширилади. Кенг, ёруғ, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехда ишловчиларнинг аксарияти ёшлар. Цех бошлиги Аҳад Зоидов бизни коммунист Идрис Ковлиметов участкаси томон бошлади.

3-поток линияда «Н» индекси билан пойафзал ишлаб чиқараётган М. Фозилов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилмоқда. Участкада иш узлуксиз, поток усулида ташкил қилинган. Уларнинг меҳнати билан яқиндан таниша бошладик. Қолипга тортиш ишлари бир йўла уч жараённи бажарадиган «ЗНК» машинасида олиб бориляпти. Синтетик материалдан ишланган пойафзалларга ўзининг кўркам шаклини сақлаб қолиши учун термик ишлов бериляпти. Бригаданинг меҳнатсевар ёшларидан Рустам Аюпов, Дилбар Юсупова ва бошқалар ушбу жараёнларни тезкор ва чаққон бажармоқдалар.

— Кейинги йилларда корхонамизга Армавир, Калинин, Кишинев, Иваново ва бошқа шаҳарлардан тайёр таг чармлари келиб турибди. —дейди А. Зокиров. — Бундай таг чармларнинг афзаллиги шундаки, пойафзал ишлаб чиқаришда бир қанча жараёнлар қисқарди, бунинг натижасида маҳсулот сифатини бирмунча яхшилашга эришдик.

Пойафзалга таг чарм ёпиштириш эса, сўнгги босқичдан бири. Бу жараён замонавий пресслар амалга оширияпти. Сўнг маҳсулотлар пардоздан чиқарилиб, савдо тармоқларига жўнатиш учун тайёр қилиб қўйилияпти.

— Смена мобайнида 650 жуфт пойафзал ишлаб чиқарилиб, уларнинг барчаси биринчи тақдимдаёқ топширилмоқда. — дейди смена бошлиги Пўлат Охунов.

Шу кунларда 1-пойафзал фабрикасида эркаклар ва болаларнинг баҳорги-ёзги мавсумбоп пойафзалларининг 26 хил модели ишлаб чиқариляпти.

М. УМАРОВ.

• *Мажбуриятлар изидан*

КВАРТАЛ ПЛАНИ ТАЙЁР

Мамлакатимизнинг машҳур тўқимачилари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Л. П. Казанцева ва Б. Жўраевалар съездолди социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга эришдилар. Биринчи тўқувчилик фабрикасининг тўқувчиси Л. П. Казанцева 48 дастгоҳга хизмат кўрсатиш билан 8 февраль куни 1976 йилнинг биринчи квартали топшириғининг охирги кунлари ҳисобига газлама ишлаб чиқарди. Ўша куни унинг тўқиган газламаси 81108 метрга етди.

Ўша куни 2-фабриканинг йигирувчиси Б. Жўраева ҳам ўзининг квартал топшириғини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Съезд очилаётган кунгача эса унинг планга қўшимча ишлаб чиқарган маҳсулоти 2262 килограмм юқори сортли калаванни ташкил этади.

«Тошкент оқшоми» коллектив меҳбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШМОҚДА

Тошкент жамоат ва турар жой биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-текшириш институти 11 гектарга жойлашган бўлиб, бу ерга келган ҳар бир киши институт хизматчилари томонидан территорияда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўриб қувонади. Ўзининг иссиқ кунларида ҳам институт ҳовлиси хизматчиларнинг энг севимли, салқин, хордиқ чиқарадиган ерларидан бирига айланади.

Аҳил коллектив шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш уч ойлигида актив иштирок этмоқда. Бу ерда бўлиб ўтган шанбаликда 300 киши қатнашди. Институт ҳовлиси билан уни ташқи территориясини чиқиндилардан тозаланиб, дарахтлар таги юмшатилди ва оқланди. Ана шу ишларнинг кўнгилдагидек бажарилишида Е. Насанов, Р. Якбулатов, А. Егоров бошчилик қилаётган коллектив хизматчилари бошқаларга намуна бўлишди. Уч ойлик мобайнида ҳашарчилар 500 туп дарахт ва 1000 дона яшил тўсиқ ўтказишади.

Ютуқлардан руҳланиб

Бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи 1975 йил халқ хўжалиги планини ва беш йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш бўйича Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилади.

Бу эса корхонанинг барча цехларида янги меҳнат кўтаринкилигини юзага келтирди. Бадиий буюмлар ишлаб чиқариш усталари съездолди зарбдор декадасини юқори меҳнат унумдорлигида янгилашга қарор қилдилар. Корхона коллективи КПСС XXV съезди очилишига қадар икки йиллик план топшириғини бажариш ва қўшимча 65 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқдалар. Ана шу цех коллективларининг ғайрат-шижоати туфайли янги йилнинг ўтган даврида «Т — 28Х4М» маркали 60 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарилди.

Шу кунларда корхонанинг бош конвейеридан ҳар беш минутда битта трактор туширилиб, дала механизаторларига жўнатилмоқда. Бу эса машинасозларнинг ўнинчи беш йилликка белгиланган режаларни муваффақиятли амалга ошираётганликларини кўрсатиб турибди.

Корхонада бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш бўйича йиллик топшириқларини тўрт ярим йилда бажариш бўйича ҳаракат кенг қулоч ёймоқда. Мусобақа биринчи, 18, 19-цехларнинг коллективлари пешқадамлик қилмоқдалар. Ана шу цех коллективларининг ғайрат-шижоати туфайли янги йилнинг ўтган даврида «Т — 28Х4М» маркали 60 от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарилди.

Шу кунларда корхонанинг бош конвейеридан ҳар беш минутда битта трактор туширилиб, дала механизаторларига жўнатилмоқда. Бу эса машинасозларнинг ўнинчи беш йилликка белгиланган режаларни муваффақиятли амалга ошираётганликларини кўрсатиб турибди.

СУРАТДА: бадиий буюмлар фабрикаси попоп цехининг ишчиси Зулфия Зокирова (чапда) ва мастер Муҳайё Қурбонова.

КЎПРИКСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

«Мостострой» трестининг кўприксозлари КПСС XXV съездини янги ойлик план топшириғини муддатидан аввал бажариш билан пишонлашга аҳд қилишган. Буниинг учун бор имкониятлардан самарали фойдаланилаяпти. Трест коллективи январь ойида 2 миллион 115 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Бу пландагидан анча кўпдир.

Кўприксозлар меҳнат декадалари кунларида айниқса ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Куйбишев шоссесида барпо этилаётган кўприк, шунингдек, метро қурилишларида бир неча минг сўмлик иш бажарилди.

КПСС XXV съезди шарафига давом этаётган меҳнат декадаларидаги социалистик мусобақада Е. Минуддинов, И. Бацула бошлиқ комплекс бригада аъзолари, шунингдек, П. Брусовцов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари голиблик қилиб, иш нормаларини 130 процентдан бажармоқдалар.

Коллектив бу йил 28 миллион 435 минг сўмлик қурилиш ишларини адо этади.

Йўловчиларга—аъло хизмат

Бугун шаҳримиздаги баъзи такси машиналарда биринчи бор «Юксак даражада хизмат кўрсатишга кафолат бераяпмиз» деб ёзилган эмблемани кўришингиз мумкин. Бу бундай машиналарни ҳайдаётганлар 6-таксомотор паркининг энг илғор шоферлари бўлишиб, улар Москвадаги 15-таксомотор парки шоферлари ташаббусига қўшилишди.

— Барча Тошкент меҳнаткашлари қатори бизнинг паркимиз шоферлари ҳам янги йилнинг биринчи кунларидан бошлаб, юксак унумдорлик билан меҳнат қилишмоқда. — дейди 6-таксопарк маҳаллий комитети раиси Е. Бегельман.— Ҳар бир киши йўловчиларга янада яхши хизмат кўрсатишга интилмоқда. КПСС XXV съездини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга аҳд қилган коллективимиз муқобил план қабул қилди.

— Бу беш йиллик сифат беш йиллигидир. Такси шоферлари учун сифат бу юксак маданий хизмат, йўл ҳаракатида тўла хавфсизликни таъминлашдир. Ана шунинг учун ҳам бизнинг энг илғор шоферларимиз москваликлар ташаббусига қўшилишиб:

—Йўловчиларга нисбатан хушмуомалада бўламиз, машинанинг ҳамиша озода бўлишини таъминлаш билан бирга қоидани бузмаймиз, деб сўз бердилар.

«Юксак даражада хизмат кўрсатишга нафолат берамиз» деган шарафга биринчи бўлиб Г. Каримов сазовор бўлди.

— Бу шофёр бир неча йилдан бери сидқидилдан меҳнат қилиб, кўплаб ёшларга устозлик қилган, — дейди Г. Бегельман. У А. Файзираҳмонов билан бирга-ликда 01— 75 ТНЗ машинасида ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатади. 86 —06 ТНЗ таксиси шоферларидан Г. Валиев ва М. Раҳимовлар ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатишда аъло кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Шундай қилиб, бугун шаҳримиз кўчаларига 6-таксомотор паркига қарашли машиналардан 13 таси «Юксак даражада хизмат кўрсатишга кафолат бераяпмиз» эмблемаси билан чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

«САНОАТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ВА АҲОЛИНИНГ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРИШДАН, ҲАММА ТАРМОҚЛАРДА ТЕХНИКА БИЛАН ҚАЙТА ҚУРОЛЛАНИШНИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТДИР».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасидан).

•Меъморлар устахонасида

Транспорт ҳаракати марказлашади

Пойтахтимизнинг аҳолиси кундан-кунга кўпайиб, янги-янги турар жой кварталларининг бунёд этилиши билан кўплаб янги йўллар, автобус, трамвай ва троллейбус маршрутлари очилмоқда. Шу билан бирга, шаҳримизда транспорт ҳаракати янада тезлашиб, уни марказий бошқариш бўйича катта вазифалар келиб чиқмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда шаҳримизнинг кўпгина қисмида ҳар хил турдаги транспортларнинг бошқарилишини назорат қилиб турувчи диспетчерлик пунктлари ишлаб турибди. Транспорт ҳаракатининг кун сайин ошиб бориши эса улкан шаҳарларда барча турдаги транспортни ягона диспетчерлик пунктидан бошқариш зарурлигини тақозо этмоқда. Ҳозирги замон шаҳарсозлик архитектураси билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам бу проблемаларни тўғри ҳал этиш устида қатор илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Транспорт ҳаракатини марказий диспетчерлик бошқармаси орқали кузатиб туриш аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш имконини беради. Шаҳар бўйлаб ҳаракат қилаётган ҳар хил турдаги транспорт воситаларини ўз вақтида назорат қилиш ва уларни тартибга солиб туришда автоматика ва янги техника воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш бу соҳадаги мураккабликларни анча соддалаштириш имконини ҳам беради. Бошқариш системасини автоматик жиҳатдан ташкил этиш учун мамлакатимизда кўпгина илмий текшириш институтлари мутахассислари самарали ишладилар.

Бутун шаҳар бўйлаб хизмат қилаётган ҳар бир транспорт воситаси: автобус, троллейбус, трамвай, такси ва бошқа турдаги умумий ҳизмат машиналарининг ҳар бирига махсус «датчик» ўрнатилади. Бу «датчик» ҳар бир транспорт белгиланган ҳар бир бекатга етиб келганда марказий диспетчерлик бошқармасига автоматик равишда сигнал беради. Марказий диспетчерлик бошқармасида эса бу сигналлар махсус аппаратлар ёрдамида қабул қилиниб, транспорт ҳаракатини тўғри бошқаришни назорат қилишга ёрдам беради. Ана шундай ҳамма турдаги транспортлар юборайётган сигналларни қабул қилувчи Тошкент шаҳар марказий транспорт бошқармасининг биноси қурилиши яқиндагина бошлаб юборилди. У шаҳримизнинг 1 Май, Толстой ва Широкая кўчалари кесишадиган жойда қад кўтармоқда. Ушбу бино лойиҳасини Тошкентдаги бош план институти мутахассислари Омск мутахассислари билан саноат автоматика лойиҳалаш институти ҳамкорликда яратишди. Бино лойиҳаси Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг буюртмаси асосида «Ташгенплан» институтининг архитектори Б. Усмонов (лойиҳа бош архитектори) ва инженер Г. Лопатинлар (лойиҳа бош инженери) томонидан яратилди.



Шаҳримиз чиройига яна бир кўрк бағишлайдиган ушбу бинода Тошкент шаҳар марказий трамвай-троллейбус бошқармаси, Тошкент шаҳар ва Тошкент область пассажирларга хизмат кўрсатиш бошқармалари, шаҳар ва область юк ташиш транспорти бошқармалари, шаҳарни такси билан таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳамма турдаги транспортларни координациялаш бошқармаси, шунингдек, Тошкент область транспорт агентлиги жойлашади. Бино 1977 йили қурилиб, ишга туширилиши керак.

Б. ЭРМАМАТОВ,
архитектор.

СУРАТДА: Марказий диспетчерлик бошқармаси биносининг кўриниши (макет).

Автор фотоси.

•Ишчи ўйлари

Менинг таклифим шундай

Тўққизинчи беш йилликда корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ва қўл меҳнатини техника зиммасига юклаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу эса ишлаб чиқариш суръатини тезлаштириш билан маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. Корхонамизда тўққизинчи беш йиллик топшириқлари барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди. Бу эса техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича олиб борилган катта ҳажмдаги ишларнинг самарасидир.

Ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва механизациялаштириш ишлари қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган техника воситалари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга йўл очиб берди. Бу эса ишчилар кайфиятида ҳам туб ўзгариш ясади. Чунки, қўл меҳнатининг камайиб бориши барча участкаларда меҳнатни планли ташкил этиш, ҳам ашёни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида ишчиларнинг моддий манфаатдорликлари ҳам ошди. Шунинг учун ҳам заводимизда ана шу соҳага эътибор тобора кучайтирилмоқда.

Коллективимизда КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасини муҳокама этиш мобайнида ички резервларни ишга тушириш ва қўл меҳнатини енгиллаштириш бўйича қатор тадбирлар белгилаб олинди. Ҳозирда цехимизда ишлаб чиқарилиши янги йўлга қўйилган «Т-28Х4М» тракторларининг деталларини тайёрлашни такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Кейинги пайтда цехимиз замонавий техника воситалари билан бойиди. Натижада машинанинг қатор деталларига комплекс ишлов бериш усули йўлга қўйилди. Механизация шарофати туфайли цехимизда меҳнат унумдорлиги кескин ўсди, маҳсулот сифати эса яхшиланди.

Цехимиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг биринчи кунлариданоқ зарбдор меҳнат қилмоқда. Сафимизда икки ва ундан ошиқ дастгоҳларни бошқариш ҳисобига вақтдан ўзиб ишловчилар сони ойдан-ойга ортиб бормоқда. Бу эса барча меҳнат участкаларида катта ютуқларни қўлга киритиш имконини беряпти. Айниқса, Геннадий Кузьмин бошлиқ бригада коллективи смена топшириқларини 150 процентдан ошириб адо этиш билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Кунлик нормаларини 1,5 ҳиссадан ошириб адо этаётган А. Усмонов, А. Жўрабоев, А. Никитин, В. Иванов, С. Недорезов, В. Орлов каби ҳамкасбларим юқори сифатга маҳсулот бериш билан цехимиздаги техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича бошланган ҳаракатда ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Биз, КПСС Марказий Комитетининг XXV съездига лойиҳасида кўрсатилган «Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш суръатлари, хусусан ёрдамчи ва қўшимча ишларни механизациялаштириш суръатлари жадаллаштирилсин. Саноатда қўл меҳнати билан банд бўлган ишчилар салмоғи анча камайтирилсин» деган сатрларни ҳаяжонланиб ўқиб чиқдик. Чиндан ҳам лойиҳада биз ишчилар меҳнатини енгиллаштиришга катта эътибор берилганлиги кўриниб турибди. Ана шундан келиб чиқиб, цехимизда техника воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича янги имкониятларни қидириб топиш ишлари қизғин ташкил этилди. Натижада янгарь ойи планини бирмунча ошириб бажаришга муяссар бўлдик.

Мен ишчи сифатида шуни айтаманки, коллективимизда техника тараққиётини жадаллаштириш ва қўл меҳнатини енгиллаштириш бўйича катта тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, бироқ, бу соҳада фойдаланилмай ётган резервлар ҳали анчагина. Масалан, чиқиндиларни ташқарига олиб кетадиган конвейернинг деярли ярим қисми анча вақтлардан буён ишламаяпти. Қолаверса деталларга ишлов берувчи дастгоҳларнинг қувватидан ҳам тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Шубҳасиз ишимиздаги бундай нуқсонлар меҳнат унумдорлигини ўстиришга салбий таъсир қилмоқда. Шунинг учун ҳам лойиҳада ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича белгиланган тадбирларга аниқ кўрсатмалар киритилиши лозим деб ҳисоблайман. Негаки, меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ва маҳсулот сифатини яхшилашда қўл меҳнатини техника зиммасига юклаш катта аҳамиятга эгадир.

ТУРОНҚУЛ ҲАИДАРОВ.
трактор заводининг ишчиси.

Бош мухбиримиздан

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ХАТЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Лиза Владимировна Хан корхонанинг энг илғор ишчиларидан бири ҳисобланади. КПСС аъзоси Л. Хан кунлик нормаларини доимо 110—120 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: Л. В. Хан маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Оқшомхон **Э. Мирғиёсов** фотоси.

•Кўринг, ҳавас қилинг

«ЮЛДУЗ» ДАГИ ШОДИЁНА

Ҳар бир киши ҳаётида умр бўйи фахр билан эслаб юрадиган унутилмас воқеалар бўлади. Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Лутфулла Усмонов, унинг ҳамкасблари, 112-мактаб ўқувчилари учун «Юлдуз» маданият уйида яқинда бўлиб ўтган шодиёна ҳеч қачон унутилмаса керак. Маданият уйи директори Римма Сидорова раҳбарлигида мутасадди кишилар билан бирга Куйбишев район партия ва ижроия комитети, ички ишлар бўлими ходимлари янги нусхадаги паспортларни топширишга бағишланган бу тантанани умрбод хотирада қоладиган даражада ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўришди.

Район ички ишлар бўлими паспорт бўлими бошлиғи З. Нажмиддинов совет граждани-нинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гапириб, кеча қатнашчиларга янги паспортларни топширди.

Физика-математика ўқитувчиси, 112-мактабда узоқ йиллар давомида директор бўлиб ишлаган, халқ маорифи аълочиси Л. Усмонов, кекса педагогнинг собиқ шогирдлари, математика ўқитувчилари О. Хўжаев, Р. Азизова, М. Сергибоевалар кеча иштирокчиларининг олқишлари остида биринчилар қаторида янги нусхадаги совет паспортларини олишди.

Шундан сўнг, паспорт олиш навбати ўқувчиларга келади. Мактабнинг Гулчеҳра Усмонова, Муаттар Хўжаева, Муқаддам Алимова, Холида Шукурова каби юқори синф аълочи ўқувчиларидан 59 кишига тантанали равишда паспортлар топширилди.

Маданият уйи ва 112-мактабнинг ёш санъаткорлари дилрабо қўшиқ ва куйлари билан шодиёна қатнашчиларини хушнуд этишди.

М. ЗАИНИТДИНОВ,
милиция майори.

•Депутат ва ишлаб чиқариш

ЖОНКУЯР

Нина Ибрагимова автобусдан тушиб, фабрика томон бурилар экан бир зумгина хаёлга чўмди:

«Ваъда бердингми, уни бажар!» Оқилона халқ мақоли, деди ўзича. Мен ҳамкасбларим олдида берган сўзимнинг устидан чиқишим керак. Бунинг учун нима даркор бўлса бажараман. Демак, ҳар бир минутдан унумли фойдаланишим, исрофгарчиликка йўл қўймай ишлашим керак. Ахир «Беш кунлик ишни тўрт кунда бажариш», «Ҳар ойда бир кун тежалган маҳсулот ҳисобига ишлаш» ҳақидаги ташаббусим ҳамкасбларим томонидан қизғин кутиб олинди-ку...

У ана шу ўйлар билан цехга етиб келди. Смена бошланишига 20 минут бор. Шунинг учун бўлса керак, цехда ҳеч ким йўқ. У дастгоҳини бир карра кўздан кечириб, чангларини артди. Бичиш учун тайёрлаб қўйилган чармларни олди-ю, дастгоҳ моторини ишга туширди.

Цехга бирин-кетин ишчилар кириб кела бошлади.

— Салом Нина опа, ҳорманг. Яна сиздан кеч келибмана, — кулди унинг шогирди Маҳсума Муҳаммедова.

— Ҳеч қиси йўқ ҳали яна 10 минут бор,— деди устозларча меҳрибонлик билан.

Маҳсума ҳам машинасини «ишга» тайёрлаб, чаққон ҳаракатлар билан ишга киришди.

Илғор ишчи беш жуфт чармни бичиб бўлган эди ҳамки, кесиш машинаси «тақ» этиб тўхтади. У машинанинг у ёқ-бу ёғини қараб кўрди. Кнопкани қайта босди. Кесиш тизгини текширди. Ҳаммаси жойида. Нима қилса экан-а? Шу пайт кўзи машинанинг пастки қисмидаги «ховакда» ўралиб қолган резгиларга тушди. Тортмадан кичкина отвёрткани олдида, машинани тузатишга киришди.

Устозининг энгашиб нимадир қилаётганига кўзи тушган Маҳсума: «Нима бўлди, механик чақира қолаймми? —деди.

— Раҳмат қизим, арзимаган ишга ҳам механик чақираверсак вақтдан ютқазиб қўямиз.

Бу гаплар Маҳсума қалбида устозга нисбатан ҳавас ва меҳр уйғотди.

...Смена тугади. Плондаги 120 жуфт ўрнига Маҳсума 140 жуфт пойафзалга, Нина Александровна эса 210 жуфт пойафзалга тановар бичиб топширди.

Биз ҳикоя қилаётган бу ташаббускор аёл 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси, Тошкент шаҳар Советининг депутати Нина Александровна Ибрагимовадир. Унинг 25 йиллик меҳнат фаолиятини шу фабрика қучоғида ўтказган бу ишчан аёл уддабуронлиги, ўз касбини жондан севишлиги туфайли коллектив ўртасида ҳурмат-эътибор қозонди. Унинг ҳаёт йўли жуда оддий. 1951 йилда ишга кирди. Устози Ҳабибулла Содиқовнинг «Тез, эркин, нуқсонсиз» ишлаш ҳақидаги кўрсатмаларига қунт билан амал қилди. 1966 йили фабрика коммунистлари унга юксак ишонч билдириб, ўз сафларига қабул қилдилар.

1975 йили Тошкент шаҳар Советининг депутати қилиб сайланди. Партия ва ҳукуматимиз томонидан III даражали Меҳнат шуҳрати ордени билан мукофотланди. У кўп йиллардан буён илғор ишчи бўлиш билан бирга, бир қанча ёшларга ўз касбининг сирларини ўргатди. Чилонзор район Советининг депутати, илғор ишчи Евгений Дружинин, Ефим Миллер, Маҳсума Муҳаммедова, Неъмат Солиҳов ва бошқалар Нина Ибрагимовани устоз дея ҳурмат билан тилга олишади.

— Нина Александровна яқиндагина яна бир муваффақиятни қўлга киритди,— дейди фабрика касаба союз комитетининг раиси Толиб Жўраев, — республика бичиқчилар конкурсида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. «Энг яхши бичиқчи» номини олди. — Нина ишчи деган шарафли касбни дилдан ҳис этади. Унинг турмуш ўртоғи Усмонжон Ибрагимов ҳам ўз умрининг 30 йилини фабрикада, ишчи касбида ўтказган.

Нина Ибрагимовадан янги режалари ҳақида сўрадим.

— Депутат халқ хизматкори эканлигимиз яши тушунаман. Халқ наказларини ўз вақтида бажариш менинг бурчим, Унлар ташаббусига фабрикамизнинг 70 дан ортиқ ишчиси қатори якдиллик билан қўшилганман. «Беш кунлик ишни тўрт кунда бажариш», «Ойда бир кун тежаган маҳсулот ҳисобига ишлаш»ни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Тўққизинчи беш йиллик зарбдори, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишондори, ўз ишининг моҳир устаси, ташаббускор коммунист Нина Ибрагимова шаҳар Совети депутатлиги вазифасини ишлаб чиқаришдаги юмушлари билан моҳирона қўшиб олиб бормоқда.

З. РЎЗИЕВА

ШИОРИМИЗ АЪЛО ЎҚИШ

КПССнинг яқинлашиб келаётган XXV съезди арафасида Тошкент шаҳри ва областида ўрта — махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг олимпиадалари ўтказилди.

Куни кеча шаҳримиздаги Гагарин номли авиация техникуми, У. Юсупов номли алоқа политехникуми, Жуковский номли шаҳар медицина билим юрти, Н. Крупская номли мактабгача педагогика билим юрти, Охунбоев номли республика медицина билим юрти биноларида ана шу олимпиаданинг якунловчи босқичи ўтказилди.

300 дан ортиқ ўқувчи қатнашган олимпиада 6 хил фан бўйича ўтказилди.

Р. БЕКМУҲАМЕДОВ.

•Эслang, унутманг

ЁНАР БУЛОҚЛАР

Ер газлари ўзининг ҳосил бўлиши ва кимёвий таркибига кўра турличадир. Улар ер бағрида турли тоғжинсларидаги ёриқларни, ғовакларни тўлдириб катта-катта газ зоналарини ташкил қилиши мумкин. Улар айниқса нефть ва кўмир қатламлари орасисида кўплаб учрайди. Магма таркибида сақланган газлар беҳисобдир.

Ер қаърида учрайдиган ҳамма газлар ичида биохимик йўллар билан ёки органик моддаларнинг кимёвий ўзгаришидан (чиришидан) пайдо бўлган газлар катта роль ўйнайди. Ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқлари ер остига кириб борган сари торф, кўмир ва нефтга айлана боради. Юқори босим ва ҳароратнинг ошиб бориши билан улар таркибидан турли газлар ажралади ва йиғилади. Булар қаторига метан, этан, пропан, бутан, азот, кислород, олтингугурт ва углерод газларини киритиш мумкин. Бу газлар узоқ геологик даврларда пайдо бўлибгина қолмай, шу кунларда ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, агар биз эски ҳовуз ёки кўл остига таёқ тиқиб қовласак, сув сатҳига газ пуфакчалари кўтарилиб чиқади. Бу метан ҳисобланиб, у сув остидаги ўсимлик ва майда ҳайвонларнинг чиришидан пайдо бўлган. Умуман олганда, газлар жуда ҳам мураккаб бўлиб, улар ўз навбатида яхши ёниш хусусиятига эгадир. Шунинг учун ҳам улар асосида пайдо бўлган — нефть, газ ва бўмирларни ёнувчи ва фойдали қазилмалар деб юритилади.

Ер қаърида ана шу — углеводород газларининг улкан запаслари яширинган ётибди. Шулар қаторига Ўзбекистон, Озарбайжон, Ғарбий Сибирь ва Оренбург табиий газларини киритиш мумкин.

Бундан ташқари, Ер бағрида газлар тоғ жинсларининг юқори босим ва ҳарорат таъсирида кимёвий парчаланиши ва бирикиши натижасида ҳам пайдо бўлади. Бу группага энг аввало вулқон газлари киради. Айрим вақтларда бу газларнинг атмосферага отилиб чиқиши қисқа вақт ичида жуда ҳам кўп бўлиши мумкин. Масалан, 1903 йили Мартиника оролидаги Мон-Пеле вулқони бир неча секунд ичида ҳавога шунча кўп газ отдики, унинг таъсиридан ундан 8 километр нарида жойлашган шаҳарнинг 28 минг аҳолиси заҳарланиб нобуд бўлди. Бундай газларга гейзерлар, фумороллар, радиактив элементлар парчаланишидан ҳосил бўлган газлар ҳам киради.

Маълумки, газ кўзга кўринмайди, қўл билан ушлаб сезиб бўлмайди ва кўпинча ҳиди ҳам йўқ. Ер остидаги ёриқлар орқали чиқиб ҳавога қўшилиб кетганини кўп даврлар ўтса ҳам сезиб бўлмайди. Бунга Газли (Ғозли)— табиий гази яққол мисол бўла олиши мумкин. Асрлар давомида ер юзасига чиқиб ётган бу газ кейинги йиллар давомидагина халқимизга хизмат қила бошлади. Агар бундай жойларга олов учқуни ёки яшин таъсир этса, шу ондаёқ аланга ҳосил бўлади ва у «мутлоқий» оловга (машъалга) айланади ва асрлар давомида ёниб ётиши мумкин. Ана шундай алангалар табиатда содир бўлган ва улар тўғрисида кўплаб афсоналар тўқилган ва ўз-ўзидан оловга тошинувчиларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ана шундай «Мутлоқий алангалардан» бири Кичик Осиёнинг жанубий қирғоқларида пайдо бўлган. Бу аланга ҳақидаги маълумотлар бундан 300 йил муқаддам Геродат асарларида келтирилган. Шу даврлар ичида греклар газ чиқиб ёниб ётган тогда оловнинг ер ва осмон худосига масжид (храм) барпо этганлар, унга олов билан нафас оладиган фантастик мўъжиза— Химер деб ном қўйдилар. Бу масжид ҳақидаги ёзувларни Плиней Старший ва Сенеки Лоция асарларида учратиш мумкин. Химера тоғидаги аланга ўтган аср охирларида ҳам кўриш мумкин эди. Лекин у ҳозирги кунда сўнган. Шунга кўра Химер аланга-си 3000 йиллардан кўп давр ичида ёниб турган.

Эронда, Ироқда, Озарбайжонда ва Ҳиндистонда ҳам ёнар булоқлар борлиги қадимлардан инсонларга маълум бўлган. Панжобда ҳозирги кунга қадар «Олов масжиди»— иаваламуки ўз «топинувчилари» ни қабул қилмоқда.

Бизнинг Ватанимиз территориясида «оловга топинувчилар» масжиди Озарбайжонда, Апшерон ярим оролидаги Сураханда мавжуддир. Бу масжид VII асрда бевосита ер ёриғидан газ ажралиб ётган жойда қурилган. Бу газ масжидга гил қувурлари орқали келтирилган бўлиб, бу жой асрлар давомида оловга сиғинувчиларни қабул қилиб турган. Ўтган асрнинг 70-йилларида ҳам бу ерда оловга сиғинадиган шайхлар истиқомат қилганлар.

«Мутлоқий алангалар» Руминий, Хитой, Калимантан оролларни (Занга-Занга яқинидаги ёнар тоғлар)да яшовчи халқларга ҳам узоқ даврлардан буён маълум бўлган.

Газдан ўзга мақсадларда фойдаланиш ҳам ўзининг илдизи билан қадим замонларга кириб боради. Археологик топилмаларнинг исботига кўра Озарбайжон ва Карпатда газ ёрдамида овқат пиширилган ва турар жойлар иситилган. Эски ва қадимий Хитойда бундан бир неча минг йиллар муқаддам табиий газ ёрдамида масжидлар ёритилган ва иситилган. Газ эса бамбук — қувурлар ёрдамида келтирилган. Газнинг бир жойдан иккинчи жойга юбориш воситаси қийин бўлгани учун бу ишлар инсонлар ёдидан кўтарилган ва охири 1855 йилга келиб газ-ёндиргичи (горелка) кашф этилгач, газга бўлган эҳтиёж яна кун сайин ошиб борган. Охири қувур прокат қилиш саноатининг ривожланиши туфайлигина табиий газдан ҳар тарафлама фойдаланиш юқори чўққиларга кўтарилди ва кўтарилмоқда. Бунга ҳаммамиз шоҳидмиз.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минерал о г и я фанлари доктори.

ГАЗЕТХОН ТАНҚИД ҚИЛАДИ...

КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Фарҳод ярмаркасида бундан тўрт йил муқаддам дам олиш ҳиёбони бунёд этиш бошлаб юборилган эди. Дам олувчилар учун ҳар хил арғимчоқлар келтирилди. Уларни тезкорлик билан қуриш ҳам бошлаб юборилди. Лекин, баъзилари чала, баъзилари эса қандай туширилган бўлса шундайлигича қолди. Мана, орадан тўрт йил ўтди. Лекин боғда ҳамон ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Қимматбаҳо ҳар хил инвентарлар эса заиглаб ётибди. Наҳотки давлатнинг шунча маблағи баъзи бир кишиларнинг ўз ишларига ўта масъулиятсизлик билан қарашлари натижасида шундай аҳволда ётса. Чилонзор район ободонлаштириш бўйича марказидаги бундан хабардор-ку, Бу инвентарларга ким жавоб беради?

А. ҲОЖИМУРОДОВ.

ҚАЧОН КЕЛАРКИН?

Ҳурматли редакция! Сиз нима учун мени мана шундай сарлавҳа қўйган экан деб ўйларсиз. Бунга таажжубланмасангиз ҳам бўлади. Чунки, биз хоккей ишқибозлари «Юбилей» марказий спорт залида ўтказилган хоккей учрашувларидан сўнг, Чилонзорга етиб олгунча асабларимиз таранг тортишиб кетади. Студентлар шаҳарчаси — Тўқимачилик комбинати оралиғи бўйлаб қатнайдиган 34-экспресс автобуси, биз томонга борадиган 19-трамвай кечқурунлари анқонинг уруғи бўлади десак хато қилмаймиз. Ўйин тамом бўлгандан сўнг худди бошқа шаҳарлардаги каби қўшимча автобуслар юриши йўлга қўйилса бўлмайдими? Нега энди биз мириқиб ҳордиқ чиқаргандан сўнг асабийлашиб, соатлаб транспорт кутишимиз керак. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар ўйлаб кўриши зарур.

И. ЗОИРОВ,
2-кўн заводи ишчиси.

...ТАКЛИФ ЭТАДИ

ИСТАРДИККИ...

Чилонзор районидаги «Хизмат — бемингнат» фирмасига қарашли 2-нон дўкони сотувчиларга ҳизмат қилиб келмоқда. Бу ердаги дўкон ўн йилдан бери 2—3 Чарх камолон, Оқтепа массиви, 7-квартал аҳолисига нон сотади.

Бир нарса ўйлантириб қўяди кишини. Бу дўконга келтириладиган нонларнинг ассортименти жуда кам. Гоҳо сотувчилар нонвойлар томонидан тайёрланган нонларни харидорларга ўтказолмай, зуноб бўлиб кетишади. Ахир шаҳримиздаги кўпгина магазинларда оби-нон, патир нон, ёғли патирлар сотилади-ку? Магазин дирекцияси билан «Хизмат — бемингнат» фирмаси юқоридаги мазали нонларнинг бизга ҳизмат қиладиган дўконда ҳам бўлишига эришишса, нур устига аъло нур бўларди.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ.

•Ўртоқлик судлари ҳаётидан

КЎПЧИЛИК ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНИБ

Н. Асқаров раислигидаги корхона ўртоқлик судининг навбатдаги йиғилиши давом этарди. Унда ёш ишчи Х. Саидовнинг ножўя иши муҳокама қилинарди. Ҳамма эндигина меҳнат фаолиятини бошлаган Худойқулнинг завод маҳсулотига кўз олайтиргани, бу билан ишчилик шарафига доғ тушириб қўйганига ҳайрон бўлар эди. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги у ҳақда ўз фикрини билдириб, коллектив тарбиясига қолдиришни таклиф этишди...

Ҳозир пешқадамлар қаторидан ўрин олган Худойқул коллектив танбеҳидан тегишли хулоса чиқарди. Чинни заводининг Н. Асқаров бошчилик қилаётган ўртоқлик суди фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аввало ўртоқлик суди етакчиси ҳақида икки оғиз сўз. Неъмат ака Асқаров корхонанинг тажрибали ишчиларидан бири. У узоқ ва самарали меҳнати туфайли ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозонди. Бундан тўрт йил олдин ҳамкасблари Н. Асқаровга катта ишонч билдиришиб, уни корхона ўртоқлик судининг раиси қилиб сайлашган эди. Активлар жамоатчилар Ҳамидулла Рихсиев, Собир Ҳакимов, Салоҳ Аҳмедов, Омон Обидовлар кўмагида бу ишонч шараф билан оқлаб келинаяпти.

Тўғри, ўртоқлик судининг фаолияти кўп қиррали. Маҳсулот сифати, техника янгиликларини амалда қўллаш, технологик жараёнларни мунтазам такомиллаштириб бориш каби юмушлар унинг жонажон вазифаси. Ўртоқлик суди активлари бу ишлар билан бир қаторда корхонада меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, прогул қилувчи ва ишга сабабсиз кечикиб келувчиларга қарши курашиш каби юмушларга алоҳида эътибор беришмоқда.

— Биз, — дейди корхона ўртоқлик судининг раиси Неъмат Асқаров, — бирор нотўғри хатти-ҳаракат қилиб қўйганларни ўз вазифасидан осонгина четлаштириб, ўнғайгина улардан қутилишга ҳаракат қилмаймиз. — Аксинча, айбдорларга ножўя ишларини ётиғи билан шундай тушунтирмоғимиз лозимки, улар ўз қилмишларига юракдан иқрор бўлишсин.

Корхонада меҳнатчилар ўртоқлик суди активларини ғоят ҳурматлашади. Чиндан ҳам улар бу шарафга ҳар бир ишчи қалбига йўл топишга ҳаракат қилишлари натижасида эришишяпти.

С. САИДУЛЛАЕВ.
Тошкент чинни заводининг ишчиси.

2 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

13 ФЕВРАЛЬ, 1976 й.

САМО ПАРДАСИ ОЧИЛМОҚДА

Инсониинг қадами Ойга ҳам етди. Қуёш системасидаги кўплаб планеталар атрофлича ўрганилмоқда. Шунга қарамай, самонинг ақл бовар қилмас сирлари борки, уларни аниқлаш учун фан ҳали кўп ишлар қилиши керак. Само сирлари кўпларни қизиқтиради. Редакциямизга келаётган мактубларда астрономия фанининг ютуқлари, бу фан вакиллари олдида турган вазифалар ҳақида ҳикоя қилишни сўраган газетхонлар кўп. Шу муносабат билан биз Тошкент Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари кандидати, астроном Маматмусо Маматазимов билан суҳбат ўтказдик. Қуйида сиз ана шу суҳбат билан танишасиз.

— Кейинги пайтларда астрономия фани эришаётган ютуқлар ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Бизнинг асримизда астрономия фани ўтган асрдагига нисбатан бекиёс даражада юксалди. Лекин бу фан кейинги 30 йил ичида айниқса кенг равнақ топди. Астрономия фанининг бугунги ютуқларини 30—40 йиллардаги натижалар билан солиштирадиган бўлсак, кейинги йилларда юксалиш суръати жуда тезлашиб кетганини кўрамиз. Астрономиянинг янги бўлими— астрофизиканинг вужудга келиши бу борада катта воқеа бўлди. Астрофизика фани туфайли биз осмон жисмларининг физик табиатини чуқурроқ ўрганадиган бўлдик. Бу борада олинган маълумотлар батафсил ишлаб чиқила бошланди. Бундай проблемаларни ҳал қилиш ядро физикаси, энергия ажралишининг янги манбалари ва нисбийлик назариясининг асосий хулосаларини текширишда муҳим роль ўйнайдиган бўлди.

Албатта бундай катта муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Маълумки, XX асрнинг ўрталаригача коинотни ўрганиш электромагнит тўлқинларининг қисқа диапазонларида олиб борилар эди. Бундай тўлқинлар узунлиги 3900 ангестрем*дан 7600 ангестремгача бўлган кўзга кўринадиган нурлардагина олиб борилар эди. Кейинчалик осмон жисмларини фотографик материаллар сезгирлиги зонасида ётувчи ультрабинафша ва инфрақизил нурлар ёрдамида ўрганиш имкони туғилди. Асримизнинг 50—60 йилларидан бошлаб коинотни ўрганиш қисқа тўлқинли электромагнит нурлар зонасида ҳамда узун тўлқинли радио нурлар диапазонида олиб бориладиган бўлди. Шундай қилиб осмон жисмлари ҳақида кўплаб ахборотлар олиш имконияти туғилди. Радио ва рентген диапазонида илгари кўрилмаган янги объектлар пайдо бўлди. Бунинг устига кейинги пайтларда телескопларнинг қуввати ошиб кетди. Ҳозирги пайтда йирик телескоплар ёрдамида ердан беш миллиард ёруғлик йили масофасида жойлашган объектлар, радио телескоплар ёрдамида эса биз турган планетадан ўн миллиард ёруғлик йили нарида жойлашган осмон жисмларини ўрганиш имконияти бор. Агар бир ёруғлик йили 10 триллион километр масофани ташкил этишини эътиборга олсак, бундай телескоп ва радиотелескопларнинг нақадар катта қувватга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Кейинги йилларда Ердан ташқарида туриб, космик кема ва станциялар ёрдамида осмон жисмларини ўрганиш кенг тус олди. Бу қандай натижа бераяпти?

— Чиндан ҳам кейинги пайтларда кўпгина космик аппаратлар ёрдамида ўзга планеталар кузатилаяпти. Ер атмосферасидан ташқарида туриб, кузатишлар олиб бориш астрономия фани тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда. Маълумки, Ер атмосферасида электромагнит тўлқинларининг кенг диапазони ютилиб кетади. Кузатиш сунъий йўлдошлардаги станцияларда олиб борилса, бу борада катта қулайлик туғилади.

— Кейинги йилларда қандай янги осмон жисмлари топилди?

— 1963 йили астрономия соҳасида катта шов-шув бўлди. Шу йили инглиз радио астрономлари юлдузларга ўхшаган, лекин қувватлилиги жиҳатидан бошқа объектлардан фарқ қиладиган квазарларни кашф этдилар. Маълум бўлишича, бу объектлар бизнинг планетадан, бизнинг қуёш системамиздан эмас, умуман, бизнинг галактикамиздан ташқарида 10—12 миллиард ёруғлик йили масофасида жойлашган экан. Квазарлар оптик диапазонда кузатилганида жуда кучсиз нурланади. Лекин, радиодиапазонда жуда кучли радиоманба сифатида кўзга ташланади.

1967 йил август ойида Жодрелл Бэнк (Англия) радио обсерваториясининг ходимлари яна бир объектни топдилар. Бу объект бир замонлар портлаган юлдузларнинг қолдиғи бўлиб, зичлиги атом ядросининг зичлигига яқин экан. Бу зичлик шу қадар кучлики, бир куб сантиметр ҳажмда юз миллион тоннага яқин материя жойлашган бўлади. Бундай юлдузлар нейтрон юлдузлар деб аталади. Қизиғи шундаки, коинотда шундай юлдузлар учраши мумкин, деган назарияни Совет олими Л. Ландау ва унинг шогирдлари 1934 йилдаёқ ишлаб чиқишган эди.

Бугунги кунда астрономия фани олдида қандай вазифалар турибди!

— Ҳозирги пайтда астрономларнинг олдида турган асосий вазифалар коинотнинг тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги космологик проблема, янги топилган осмон объектлари: квазарлар, пульсарлар ва «қора ўра»ларнинг физик табиатини ўрганиш, ақлли мавжудотлар билан алоқа боғлаш муаммоларидир.

Ҳозирги пайтда коинотнинг тузилиши ҳақидаги кўпгина эски фикрлар тубдан ўзгариб кетди. Илгарилари, коинот ўзгармас нарсадир деган назария бор эди. Ҳозир бу назария қаттиқ танқидга учради. Йирик телескоплар ва спектраль анализлар шуни кўрсатдики, бизнинг галактикамиздан ташқаридаги галактикалар биздан борган сайин узоқлашиб кетаяпти, бу эса коинот кенгайиб бораяпти, деган хулосага келишга ёрдам беради. Радиотелескоплар ёрдамида олиб борилган кузатишлар коинот муттасил ўзгаришда эканлигини тасдиқлади. Машҳур совет математиги А. Фридманнинг аниқлашича, бу ўзгариш ўз-ўзидан рўй бермайди, маълум бир қонуният асосида амалга ошади. Коинот кенгаяр экан, унинг зичлиги камаяди. Бу камайиш критик зичлик деб аталган даражага боргач, коинот аста-секин яна сиқила бошлайди.

— Ниҳоят, ҳаммани баравар қизиқтирадиган бир савол. Коинотда ақлли мавжудотлар борми? Улар бор ёки йўқлигини аниқламай туриб, улар билан алоқа боғлашга уринишнинг сабаби нима?

— Биз коинотда ақлли мавжудотлар йўқ деб узил-кесил айтаолмаймиз. Бунинг сабаблари кўп. Бизнинг ҳаёт манбаимиз бўлган қуёш осмондаги ягона планета эмас. Миллиардлаб юлдузлар орасида ўз табиати билан қуёшга жуда ўхшайдиган планеталар оз эмас, бунинг устига шундай юлдузлар атрофида худди қуёш системасидаги сингари планеталар ҳам мавжуд. Агар биз шуни эътиборга олсак, қуёшга ўхшаш юлдузлар атрофидаги планеталарда ердагига ўхшаш шароит мавжуд бўлиши мумкин, деган фикрга келамиз. Шундай экан, бундай планетада ҳаёт йўқ деб ким айта олади! Бундай ғоя XVI асрдаёқ машҳур италян олими, файласуф Жордано Бруно томонидан илгари сурилган эди. Бугунги кунга келиб, фан ютуқлари бу тахминнинг ҳаётий эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳали бизнинг қўлимиз етмаган кўплаб планеталар, бизнинг назаримиз тушмаган галактикалар бор. Шундай экан, ўзга планеталарда ҳаёт бор, инсон ўз табиати билан ягона, оқилона мавжудот эмас, деб дадил айта оламиз.

Суҳбатчи
Ў. БОЗОРОВ,
ва Т. РАСУЛЕВ тайёрлади.

* Бир ангстрем сантиметрнинг юз миллиондан бир улушига тенг.

• Санъат оламида

ЧЕТ ЭЛДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Акварель бўёқлар билан ишланган суратларнинг тўртинчи Бутуниттифоқ кўргазмаси экспонатлари Белоруссияда, Сибирь шаҳарларида, Болгария ва Венгрияда намойиш этилди. Улар орасида Тошкент, Навоий ва Самарқанд рассомларининг 11 та сурати бор.

Рассомларимизнинг бу кўргазмадаги ишлари «Индустриал Ўзбекистон», «Ўзбекистон бўйлаб» тематик туркумларига бирлашган.

Тошкентлик рассомлар яратган асарларнинг мавзу жиҳатидан ранг-баранглиги жонажон ўлка бўйлаб, Совет Иттифоқи ва чет мамлакатларга қилинган қизиқарли сафарлар самарасидир.

ЁШ КУЛОЛЛАР

Бадиий кулолчилик билан шуғулланувчи кишиларни пўлат қуювчиларга ўхшатишади. Бу бежиз эмас. Чунки рассом ўз буюмларини пиширадиган печда ҳамиша юқори ҳароратли аланга ловуллаб туради.

П. П. Беньков номидаги Тошкент рассомлик билим юрти ўқувчилари ана шу «олovли санъат» сирларини эгаллаш устида тинмай изланмоқдалар. Ёш усталар Оля Москаленко, Елена Глушченко, Татьяна Димитрук, Михаил Шадрин ва бошқаларнинг изланишлари яхши самара бермоқда. Улар ўз лойиҳалари бўйича сопол буюмлар ясаяптилар, янги шакллар топишга интилмоқдалар.

О. ТОШПУЛАТОВ.

СУРАТДА: Е. Глушченко устахонада.
Автор фотоси.

ОЛИМНИНГ ТУҲФАСИ

Яқинда тошкентлик ботаник олима, фан кандидати, доцент Екатерина Александровна Макеева ўзининг бадиий архивини Ўзбекистон ССР санъат музейига туҳфа қилди. Архивда кейинги 50 йил мобайнида чизилган 140 дан ортиқ акварель ва қаламда ишланган суратлар бор.

Е. А. Макееваии мамлакатимизда ва чет элларда ўсимликлар, айниқса, ғўза бўйича йирик мутахассис сифатида билишади. Аммо у ишдан бўш вақтларида расм чизиш билан шуғулланади. Ярим асрдан буён у илм билан ижодни қўшиб олиб боряпти.

МАТБААЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Куни кеча Ўзбекистон ССР театр жамияти правлениесининг ташаббуси билан КПСС XXV съездига бағишлаб санъаткорларнинг матбаачилар билан учрашуви ўтказилди.

Шаҳримиздаги 1-босмахона ишчи ва хизматчилари Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг бир группа санъаткорларини самимий кутиб олдилар. Бу ерда бўлиб ўтган учрашувда, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Т. Азизов, Е. Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган артистлар О. Норбоева, Т. Хонтўраев, Р. Иброҳимова, артистлардан Г. Ҳакимова, Г. Жамилова, Е. Саъдиев, Т. Мўминов ва бошқалар қатнашдилар.

Меҳмонлар мезбонларга партия съездига бағишлаб тайёрланаётган янги саҳна асарлари, замонамиз қаҳрамонларининг театр саҳнасида талқини, ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар. Шундан кейин улар театр репертуаридаги саҳна асарларидан парчалар намойиш қилишди.

КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Тошкентда Ўрта Осиё республикаларидаги олий ўқув юртлари комсомол комитетлари секретарларининг Бутуниттифоқ зонал семинари очилди. Семинар иштирокчилари олий ўқув юртлари комсомол ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қиладилар, тажрибаларни ўртоқлашадилар. Улар Тошкент Давлат университети ва Ўзбекистон пойтахтидаги бир қанча институтларнинг ҳаёти билан танишадилар, республика олимлари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

МУҲИМ ҚАРОРЛАР

ДЕҲЛИ, Бу ерда Ҳиндистон парламентининг навбатдаги сессияси ўз ишини тамомлади. Сессия мамлакатда ўзбошимчалик ва зўравонлик вазиятини вужудга келтиришга ҳамда Ҳиндистонни прогрессив ривожланиш йўлидан четга чиқишга мажбур этишга уринган реакциянинг кирдикорларига барҳам бериш юзасидан ўтган йил ёзда ҳукумат кўрган қатъий чоралар натижасида мамлакатда сиёсий вазият барқарор бўлган бир шароитда ўтди.

Парламент қарзлари учун ишлаб беришдан иборат ўрта аср қолдиқларини бекор этувчи қонун қабул қилди. Бу қонун миллион-миллион қишлоқ хўжалик ишчиларини ва камбағал деҳқонларни текин ишлаб бериш юкидан озод қилди.

Яна бир қонун эркаклар билан аёлларга тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлашни белгилайди.

Ер билан савдо қилувчилар ва уй эгаларининг бойиб кетишига чек қўйиш мақсадида Деҳли иттифоқ территориясидаги чегарада ер участкаларига эгалик қилишни чеклаш тўғрисида чиқарилган янги қонунга ҳам бу ерда катта аҳамият берилмоқда. Бир қанча янги қонуний тадбирлар контрабандистлар ҳамда валюта чайқовчилари билан курашни кучайтиришга қаратилган.

Депутатлар парламент қуйи палатасининг ваколат муддатини яна бир йилга чўзиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқулладилар. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, ҳукуматнинг 20 моддадан иборат социал-иқтисодий программасини муваффақиятли амалга ошириш учун қулай. Барқарор шарт-шароитлар яратиш зарурати шу қонун чиқарилишини тақозо этди.

Ҳиндистон жамоатчилиги парламент сессиясининг ижобий натижалар берганлигини маъқулламоқда.

ДЕҲҚОНЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ИСЛОМОБОД. Покистон ҳукумати ер ислоҳотини амалга ошира бориб, помешчиклардан мусодара қилиб олинган 2 миллион 100 минг акрга яқин ерни (1 акр 0,4 гектарга баравар) 100 минг ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаб берди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик министри М. Рашид Лоҳурда сўзга чиқиб, шуни маълум қилди. Ҳукмрон партиянинг аграр сиёсати, деб таъкидлади у, ўз олдига иккита асосий мақсадни қўйди: бу— 1977 йилда озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлашга эришиш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мамлакатда феодал ер эгалигини узил-кесил тугатишдан иборатдир.

Ҳукумат қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш учун уни механизациялаш планини, илғор агротехника усулларини жорий этишни активлик билан амалга оширмоқда. Ҳар йили мамлакатга 15 мингдан кўпроқ трактор келтирилмоқда. Ҳолбуки 1971 йилнинг ўзидагина Покистонда бор-йўғи 30 минг трактор бор эди. Ўтган йили чет эллардан 17 минг тонна серҳосил буғдой навлари уруғлиги сотиб олинди, майда фермерларга кредит ва ёрдам тариқасида 2 миллиард рупия ажратилди.

Куба диёрининг саҳовати

Гаванадан шарққа томон кетаверишда Кубада энг йирик банан хўжаликларидан бири — «Артемиса» хўжалигининг кенг майдонлари ястаниб ётибди. Бундан 8 йил илгари революция ғалаба қилгунга қадар помешчикка қарашли бўлган ерларда ташкил этилган «Артемиса» хўжалигининг ходимлари ҳар гектар ердан 12 тоннадан банан териб олмоқдалар. Хўжаликда банандан ташқари ананас, цитрус ўсимликлари, кофе, картошка етиштирилмоқда. «Артемиса» ишчилари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилган.

Будапештнинг Совет Армияси томонидан озод этилганига 31 йил тўлди

Журналист ён дафтаридан

ДУНАЙ БЎЙИДАГИ СОҲИБЖАМОЛ

ШАҲАРНИНГ қоқ белига мовий камар янглиғ боғланган гўзал Дунайнинг мавжли тўлқинлари чиндан ҳам мафтункор. Қирғоқлар бўйида юксалган Буда ва Пештнинг кўҳна тарихидан дарак бериб турувчи сersavлат эҳромлар, меъморлик санъатининг нозик туйғуларини акс эттириб турувчи ажойиб кошоналар... Тамоман янги Будапештнинг гўзал табиати-чи? Халқ Венгрияси даврида унинг бутунлай ўзгариб кетган чиройи, муҳташам бинолар билан безанган кўчалар ва майдонларнинг гўзаллиги-чи? Хиёбонлар ва боғларнинг ям-яшил манзаралари-чи? Буларнинг ҳаммаси ва буларга қўшимча аллақандай сирли манзаралар кишилар қалбини ажиб туйғуларга лиммо-лим тўлдиради.

— Шаҳар бундан ҳам чиройли бўлади, — деди суҳбатдошимиз.

У бизга ўзини Шандор Карой деб таништирган эди. Маълум бўлишича, у шаҳар қурилишларидан бирида ғишт терувчи уста экан. Бу фамилия менга жуда танишдек кўринди.

— Сизнинг Янош Каройга қариндошлигингиз йўқми, мабодо? — деб сўрадим.

Нега десангиз Янош Карой Будапештдаги энг мураккаб иморатлар ва иншоотларнинг лойиҳасини чизган ва уни амалга оширишда қатнашган таниқли архитекторлардан эди. Ҳатто Будапешт стадионининг шаклу — шамоилини ҳам унинг шахсан ўзи яратган эди.

Шандор Карой бундай савол берилганлигини тушуниб, дарҳол йўқ дегандек бошини чайқади.

— Аммо Янош Каройнинг лойиҳаси бўйича қурилган иморат + у. иншоотлар шаҳарнинг бой мулки бўлиб қолди, — деди у.

Будапештнинг ўзига хос гўзаллиги чиндан ҳам ҳаммани ўзига беихтиёр жалб этади. Шаҳар қанчалик қадимий бўлмасин, ҳамон унинг савлатида навқиронлик барқ уриб турибди. Шу кунларда шаҳар ўзининг фашизмдан ҳалос бўлганлигининг ўттиз бир йиллик байрамини нишонламоқда. Босқинчилар уни деярли вайронага айлантирган эди. Лекин ўттиз бир йил ичида харобалар ўрнида тамоман янги шаҳар вужудга келди. У яна ҳам чиройли, яна ҳам зебо бўлиб кетди. Лекин унинг узоқ-узоқ тарихини эслатиб турувчи кошоналари ва ёдгорликлари янгидан чирой топди.

Уруш Венгрия пойтахтига нечоғлик катта зиён етказганлигини жуда кўплаб далилларда исботлаш мумкин. Чунончи, фашистлар шаҳарни деярли ер билан яксон қилиб, ундаги корхоналарнинг ҳаммасини йўқ қилиб ташлади, уй-жойларнинг учдан икки қисмини бутунлай вайрон қилди. Дунай устига қурилган ажойиб кўприкларни бузиб ташлади ва бошқа ваҳшийликлар қилди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда будапештликлар биринчи галда икки зарур мураккаб масалани ҳал қилишлари лозим эди. Бундан бири шаҳарни тиклаш, иккинчиси пойтахт саноатини йўлга қўйишдан иборат бўлди. Чунки, урушгача Будапешт саноати мамлакатдаги саноат маҳсулотининг деярли ярмини ишлаб чиқарар эди. Бу муаммони ҳал этишда Совет Иттифоқи катта ёрдам берди. Харобалар тикланди, саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилди, уй-жой бинолари юксалди.

Халқ ҳокимияти Будапешт аҳолисини уй-жойга бўлган талабини қондириш учун ҳамон жонбозлик кўрсатиб келаётир. Бу соҳада йилдан-йилга янгидан-янги ютуқлар қўлга киритилмоқда. Агар статистик маълумотларга назар ташланса, бу соҳадаги суръатнинг қанчалик юксак эканлигини яққол кўриш мумкин. Агар ўнинчи беш йилликда ҳар йили 12 минг квартира фойдаланишга топширилган бўлса, тўртинчи беш йилликда эса 16 минг квартира қуриб, шаҳар аҳолисига топширилди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар йили 320 мингдан ортиқ будапештлик янги уйларга кўчиб ўтди.

Ҳозир шаҳарда 4 та йирик уйсозлик комбинати тўла қувват билан ишлаб турибди. Совет Иттифоқи кўмагида вужудга келтирилган бу йирик корхоналар шаҳарда уй-жой муаммосини ҳал этишда чинакам қўл келаётир.

Бундан олти йил аввал Будапештда метрополитен ишга туширилди. Бу билан улкан шаҳарнинг таржимаи ҳолида янги саҳифалар очилди. Ўн километрлик масофани ўз ичига олган «Шарқ-Ғарб» линияси шаҳар йўловчиларининг деярли олтидан бир қисмига хизмат [illegible] қила бошлади. Натижада Ракоши проспектидаги трамвай излари кўчириб ташланди. Эндиликда метросозлар «Шимол-Жануб» деб аталган ва Надьварад майдонидан то Деак майдонигача бўлган масофада ер ости поездлари қатновини йўлга қўйиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Деярли 20 километрли масофани ўз ичига оладиган бу линия ишга туширилгач, пойтахт аҳолисининг учдан бир қисми ер ости транспорти хизматидан фойдаланадиган бўлади.

Пойтахт аҳолиси гўзал Будапештнинг тағин ҳам соҳибжамол бўлиши йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уни ҳам бўйига кенгайтиришга астойдил киришганлар.

Яна 24 йилдан сўнг, тўғрироғи 2 мингинчи йилда шаҳар аҳолисининг сони 2 миллион 250 минг кишига етажаги тахмин қилинмоқда. Хўш, ўшанда шаҳар қандай манзара касб этади? Ўша пайтда аҳолининг ярмидан кўпи янги квартираларда истиқомат қилади. Шаҳарда 6 та янги район марказлари вужудга келиб, бу ерларда универсал магазинлар, маъмурий бинолар, медицина муассасалари ва спорт иншоотлари бунёд этилади. Кўплаб замонавий уй-жойларнинг кўркам бинолари қад кўтаради. Шаҳар ер ости транспортининг яна 4 та линияси ишга туширилади. Унинг Буда қисмидаги сердарахт тепаликларида ва Дунай қирғоқларида кўпдан-кўп дам олиш зоналари вужудга келтирилади. Демак. Будапештнинг эртанги куни яна ҳам порлоқ. Дунай қифтидаги бу ажойиб гўзал шаҳарнинг кўркам қиёфаси шаҳар халқининг, унинг меҳмонларининг ва кўпдан-кўп саёҳатчиларнинг бундан ҳам мафтун этувчи чиройи яна ҳам очилади.

Яҳё ТЎХТАЕВ.

ТОҒ ЧЎҚҚИЛАРИГА ЧИҚИШ ҲАҚИ ҚИММАТАЛАШДИ

КАТМАНДУ. Непалда Ҳимолай тоғларида альпинистлар экспедицияларини ўтказиш тўғрисида янги қонун қабул қилинди. Ҳозирги вақтда жаҳондаги энг баланд чўққи бўлган Жомолунгма (Эверест) чўққисига чиқишга рухсатнома олиш учун альпинистлар Непал хазинасига илгаригидек 10 минг рупия эмас, балки 15 минг рупия тўлашлари керак. Ҳимолай тоғларидаги бошқа чўққиларга чиқиш учун тўланадиган ҳақ ҳам оширилди.

Бундан ташқари янги қонун одатда альпинистларга ҳамроҳлик қилувчи ҳаммоллар ҳаётини мажбурий страхование қилиш учун тўланадиган ҳақни оширишни кўзда тутади. Бунда ҳам тўланадиган пул миқдори тоғ чўққиларининг баландлигига қараб белгиланади.

(ТАСС).

«М А З» МАШИНАЛАРИНИНГ ТУРИ КЎПАЙДИ

Ихтисослаштирилган бир туркум автомобиллар муваффақиятли синовдан ўтди. Бу машиналар нефть ва газ конларини комплекс равишда ўзлаштиришда транспорт ишларини тамомила ўз зиммасига олади. Улар кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди ва бундан аввал бошқа маркада чиқариб келинган машиналарнинг ўрнини эгаллайди.

Минск автомобиль заводининг конструкторлари 37 тонна юк кўтара оладиган автопоезд, 19 тонналн самосвал ва труба ташийдиган 18 тонналн машина яратдилар. Труба ташийдиган машиналар узунлиги 12 метргача борадиган турлича диаметрдаги қувурларни таший олади.

Заводда кўплаб тайёрланаётган деталь ва узеллар янги машиналарда юксак даражада унификация қилинган.

Минск автомобиль заводининг коллективи КПСС XXV съездининг очилишигача шу туркумдан бортли «МАЗ —7310» автомобилининг саноат кўламидаги илк намуналарини ишлаб чиқаришга қарор қилди.

(ТАСС).

Шаҳардаги 159-алоқа бўлими коллективи меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатишга интилмоқда. Бу ерда хизмат кўрсатиш миқдори ой сайин ортиб бор"япти.
СУРАТДА: алоқа бўлимининг бир группа илғор телеграфчиларидан Л. Литвинова, С. Головенкина, К. Дурнова ўртоқлар.
М. Нуриддинов фотоси.

Саломатлик куни

Тошкент Давлат медицина институтида республика гигиеначилар куни ўтказилди. Бунда санитария-гигиена, илмий-текшириш институти ходимлари, Тошкент Давлат медицина институтининг студентлари, шаҳар ва район санитария бўлимларининг ходимлари иштирок этдилар.

Саломатлик кунида СССР медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. Зоҳидов, профессор Ғ. Маҳкамов муҳим мавзуларда доклад қилдилар.

Саломатлик кунига бағишлаб, институтнинг санитария-гигиена факультети залида медицина аппаратлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазма очилди.

•Бизнинг интервью

ТУРИЗМ ЧОРЛАЙДИ

Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимиз ва бошқа шаҳарлардан келаётган саёҳатчиларга яхши хизмат кўрсатмоқда. Тўққизинчи беш йилликда 10 миллион 134 минг сўмлик ўрнига 14 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Ўтган йили саёҳатчиларнинг сони 1 миллиондан ошиб кетди. Туризм ва экскурсиялар бўйича Марказий совет президиуми ва маданият ходимлари касаба союзлари Марказий комитети президиуми Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун Тошкент бюросини фахрий ёрлиқ билан тақдирлади.

Тошкент бюроси директори Е. В. Прасолова бу йил туристларга кўрсатиладиган хизмат, янги маршрутлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Туризм ва экскурсия фақатгина дам олиш усули бўлиб қолмай, балки меҳнаткашларнинг маданий савиясини ошириш ва уларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашнинг қулай воситасидир. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳасида ҳам шу ҳақда таъкидлаб ўтилган. Биз туризм ва экскурсия хизматини янада яхшилаш мақсадида бюро қошидаги экскурсия — методик бўлим ишини янада жонлантириб юбордик. В. А. Сосулова бошчилик қилаётган методик бўлим янги маршрутларни ишлаб чиқмоқда. Ҳозирги пайтда 33 мавзу бўйича экскурсия ўтказилмоқда. «Тошкент архитектураси кеча, бугун, эртага», «Архитектура ёдгорликлари», «Қизил галстуклар изидан» деб номланган маршрутлар ёшларга мўлжалланган. Бундан ташқари тарихий — революцион, табиатшунослик, адабиёт-санъатшунослик сингари янги маршрутлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бу йил биз беш миллион сўмлидан зиёд хизмат кўрсатишга бел боғлаганмиз. 16 мингдан зиёд меҳнатчи йўлланмалар билан саёҳатга йўл олади, беш мингдан зиёд киши эса туристик поездларда зиёрат қилади. 11 мингдан ортиқ киши ҳаво транспорти хизматидан фойдаланган ҳолда сафар қилади. Дам олиш кунларидаги маршрутда 40 мингга яқин киши қатнашади. Шаҳар бўйлаб экскурсия қилишда 700 мингдан зиёд, мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан эса 5 мингдан зиёд кишини жалб этиш мўлжалланмоқда.

Бу йил меҳнаткашларнинг илтимосини инобатга олиб, Узоқ Шарқ ҳалқаси — Хабаровск, Жанубий—Сахалинск — Владивосток маршрутини очамиз. «Чкалов» ва «Матросов» теплоходига таклиф қилинадиганлар қудратли Енисей дарёси бўйлаб Дудинка ва Диксон оролигача сайр қиладилар.

Ленинград — Таллин маршрути бўйлаб самолётда саёҳат қилиш муддати 15 кундан 20 кунга узайтирилди. Бу маршрутга Рига шаҳри ҳам қўшиб олинди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ДА

Ўзбекистон телевидениесининг ҳафталик программаси

16 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Хўрозча ва кунгабоқар». Қўғирчоқ фильм-спектакль. 11.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 12.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.25 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 15.55 «Щорс». Бадиий фильм. 17.45 «Сўз — олимларга». **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.05 «Туғилган кун». Болалар учун мультфильм. 18.20 «Совет Армияси жангчилари учун». Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари тарихи музейидан репортаж. 18.45 «Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга оширамиз!». «Қишлоқ ҳаёти». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Совет Ўзбекистонининг композиторлари». Матниёз Юсупов (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.25 «Сионизм: алдамчилик ва фактлар». **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.55 КПСС XXV съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 21.05 «Ахборот» информацион программаси. 21.25 «Нафосат оламида». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 XII қишки олимпия ўйинларининг ёпилиши. Инсбрукдан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.00 «Онамларнинг мактаби». 18.30 «Буратино кўргазмаси». 19.00 Янгиликлар. 19.15 А. Барто. «Мен шеър ёзмаган пайтимда». 19.50 «И. Штраус вальслари». Москва Давлат филармониясининг Академик симфоник оркестри чалади. **Тошкент кўрсатади.** 20.25 «Олдинда бораётганлар». «Дўстларим ва ўзим ҳақимда». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильмлари (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.55 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.00 «Кинокўзгуда — ҳаёт». Кўрсатув. 22.45 «Учишга рухсат этинг». Бадиий фильм. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 18.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.05 «Билим» телевизион мактаби. 18.40 Болалар учун телефильм. 19.15 Янгиликлар. 19.30 «КПСС XXV съездининг делегати». 19.35 «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа». 19.55 Мультфильм. **Тожик тилида:** 20.10 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақанинг ғолиби». 20.30 Телефильм. 21.05 «Ахбор». 21.20 «КПСС XXV съездининг делегати». 21.25 «Қуёшли ўлка манзаралари». 21.55 Душанба кўрсатувларининг охири.

17 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Буратино кўргазмаси». 11.00 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 12.05 «И. Штраус вальслари». 15.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 16.30 Адабиётдан ўқув кўрсатув. 17.15 «Ишчи виждони». 17.45 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.20 «Петя лақабли қуёнча қандай қилиб шаҳарга борди». Мультфильм (рус.). 18.35 Пионер дружиналарининг телевизион кўриги (ўзб.). **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Съезддан — съездгача». Экранда — Тошкент. **Москва кўрсатади.** 20.00 «Корвалан қалби». Ҳужжатли фильм премьераси. Сценарий автори ва режиссер Р. Кармен. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.50 Ўн минут музика. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телевизион театр. М. Ю. Лермонтов. «Демон». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 22.30 «Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети». Ўсимликшунослик факультети». 23.00 «Кино оламида». Кўрсатув. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романида халқ ўйлари. Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Мен эртак излайман». «Мерген». Телевизион фильмлар. 12.25 «Комил Яшин — машҳур ўзбек совет драматурги». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (ўзб.). **Тошкент кўрсатади.** 17.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 Эфирда — «Молодость». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Болалар боғчасида бир кун». 19.30 СССР халқ артистлари К. С. Станиславский, В. И. Немирович-Данченко номли Москва музикали театри балети солистларининг концерти. **Тошкент кўрсатади.** 20.00 «Боку ва бокуликлар». Ҳужжатли фильм (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.50 «Строговлар». «Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 КПСС XXV съезди шарафига. «Автомобиль корхоналари йўкламаси». (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Оқ йўл!». 24.00. Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Капитализм умумий инқирозининг ҳозирги босқичи тўғрисида». Тарихдан ўқув кўрсатуви (рус.). **Ўзбек тилида:** 19.30 «Классик куй саҳифалари». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Санъат турлари. Театр санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 20.55 Реклама. 21.05 Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм 1-серия.

18 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 11.00 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 12.10 СССР халқ артистлари К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко номли Москва музикали театри балети солистларининг концерти. 15.35 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Ҳиндистоннинг узоқ жанубида». Телевизион очерк. 16.25 Болалар учун «Чироқлар». Бадиий фильм. 17.45 «Фан оламида». **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.20 «Ёш куч» (ўзб.). 18.50 «Болакай қандай қилиб ўз онасини топди». Мультфильм (рус.). 19.00 «Миллионлар, ленинча университети». Ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва меҳнат интизоми» (ўзб.). **Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Иқбол» программаси. «Дугоналар» телевизион журнали. 20.10 Ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 20.20 «Тўққиз миллион кишининг фожиаси». 2-кўрсатув. Сиёсий шарҳловчи А. Дружинин олиб боради. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.50 КПСС XXV съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Фарғона область, Қува район Маданият уйи «Анор» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Плющихадаги уч терак». Бадиий фильм (рус.). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 «Силикат саноати». Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Ёз ёмғири». Телевизион фильм. 12.25 «Силикат» саноати». Химиядан ўқув кўрсатуви (ўзб.). **Тошкент курсатади.** 17.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Горячилар, қаердасиз!». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ ноталар». 19.35 «БАМ — умумхалқ қурилиши». 20.05 «Спортлото» тиражи. **Тошкент курсатади.** 20.20 Ўқитувчи экрани. (рус.). **Москва курсатади.** 20.50 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия. **Тошкент курсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри билан бир соат». 23.40 «Волейбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. 00.10 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 19.00 «Капитализм умумий инқирозининг ҳозирги босқичи тўғрисида». Тарихдан ўқув кўрсатуви. 19.30 «Тошкент телепрограммаси. «Қурилиш майдонларида». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Санъат турлари. Театр санъати». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. 20.55 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 2-серия.

19 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Горячилар, қаердасиз!». 11.15 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 7-серия. 12.25 Тобольск шаҳри рус халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. 15.30 «Буюк бунёдкорлик кундалиги». Кинопрограмма. 16.30 «Биз табиат билан танишамиз». 16.45 «Москва ва москваликлар». 17.15 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун. 17.45 «Олимлар — қишлоққа». **Тошкент курсатади.** 18.15 Курсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси курсатади. «Физкультура ва спорт» телевизион журнали (ўзб.). **Рус тилида** 18.50 «Ўзбекистон Компартияси XIX съездининг қарорларини амалга оширамиз!». «Ҳамма нарса инсон фаровонлиги учун». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «КПССнинг Тинчлик программасини амалга ошириш учун кураши». **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.00 КПСС XXV съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 20.10 Ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг ижодий портрети. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ўзбек куйларидан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Солдат отаси». Бадиий фильм (ўзб.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 «Социалистик қонунчилик ва гражданлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Ольга Корбутнинг қувонч, ташвиш, орзулари». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Социалистик қонунчилик ва гражданлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви (ўзб.). **Тошкент кўрсатади.** 17.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Қувноқ стартлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». **Тошкент кўрсатади.** 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.00 Камер куйлардан концерт. 20.15 «Телетомошабинларнинг саволларига СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси В. Г. Афанасьев жавоб беради. 20.45 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «А» класс биринчи группаси командалари ўртасида сув полоси бўйича СССР чемпионати. С. Митрофанов номли сув спорти саройидан репортаж. (рус.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Кинопанорама». Кинотанқидчи Г. Капралов олиб боради. 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.00 «Малышок» программаси. 19.30 «Совет давлат ва ҳуқуқ асослари». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 Реклама. 20.25 «Василий Докучаев». Илмий-оммабоп фильм. 21.25 Ўзбек киноси тарихидан. «Уйқусиз йўллар». Бадиий фильм.

20 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Қувноқ стартлар». 11.15 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 12.25 Камер куйлардан концерт. 15.25 Илмий-оммабоп фильм. 15.35 «Рус тили». 16.20 Адабий асарларни экранлаштириш. «Лазор саҳросида». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.00 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.35 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.50 КПСС XXV съезди шарафига. «Қишлоқ йўллари чорлайди». Кўрсатув ва концерт. 19.40 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 20.00 «Съезддан — съездгача. Россия Федерацияси». 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Химик» 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Л. Н. Толстой яшаган жойлар бўйлаб». «Ясная Поляна». Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви (рус.). **Москва кўрсатади.** 18.00 «Ёшлик адреслари». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.30 РСФСР Давлат духовой оркестрининг концерти. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 22.00 «Инсон ва қонун». 22.30 «Йўл азоби». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Ўқувчилар учун. «Қувноқ стартлар». 20.00 Тошкент янгиликлари. **Рус тилида:** 20.15 «Совет давлат ва ҳуқуқ асослари». 20.45 «Тошкент» телепрограммаси». «Тошкент ва тошкентликлар». 21.15 «Партия аъзолигига номзод». Телевизион спектакль».

21 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.00 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.30 «Тонгги почта». Музикали программа. 12.05 «Ёзувчиларнинг Владимир Ильич номли Москва электромеханика заводи ишчилари билан учрашуви». 13.05 Кубань давлат халқ хорининг концерти. 13.50 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 14.20 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 1-серия. 15.30 Р. Щедрин. «Қувноқ лапарлар». Фильм-балет. 15.50 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Каверзнев олиб боради. **Тошкент кўрсатади.** 16.20 Кўрсатувлар программаси. 16.25 «Қувноқлар даврасида». (ўзб.). 16.50 Ўзбек давлат эстрадаси «Каягим» корейс ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.20 КПСС XXV съезди шарафига. Тошкент — Олмаота мусобақалашмоқда (рус.). **Москва кўрсатади.** 17.50 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Торпедо» 2— 3 даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадион Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Халқаро шарҳловчилар даврасида. **Ўзбек тилида:** 20.00 «Лирика кечаси». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Ота-оналар университети». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 КПСС XXV съезди шарафига. Меҳнатга шон-шарафлар». Ангрен шаҳар меҳнаткашлари билан учрашув (рус). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. 10.20 Успенский номли музика мактаби галабаларининг концерти. **Ўзбек тилида:** 10.50 Экран хандаси». 11.30 «Иқбол» программаси. «Хотин-қизлар, Сизлар учун». 12.00 Қорақалпоғистон артистларининг концерти. 12.30 «Ниҳол». Адабий кўрсатув. 12.50 Ўқитувчилар учун консультация. 13.20 Спорт кўрсатуви (рус.). 14.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. **Москва кўрсатади.** 16.20 Г. Свиридов романслари. 16.35 «Ҳайвонот оламида». 17.35 «Дарё-денгиз». Телевизион ҳужжатли фильм. **Тошкент курсатади.** 17.50 «Максимка». Бадиий фильм (рус.). 19.05 Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.15 Мультфильм. 19.45 «Менинг ишим». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1— 2 сериялар. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. **Москва кўрсатади.** 22.30 «Театр учрашувлари». 00.05 Коньки бўйича жаҳон чемпионати. Аёллар, Норвегиядан олиб кўрсатилади. Ёзиб олинган. 00.30 Янгиликлар.

Учинчи программа. Душанбэ кўрсатади. 17.35 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.40 «Пионер» студиясининг концерт программаси. 18.40 Янгиликлар. 18.55 «КПСС XXV съездининг делегати». 19.00 Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси. **Тожик тилида:** 20.10 «Ахбор». 20.25 «КПСС XXV съездининг делегати». 20.30 Бадиий фильм. 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Сенга, жонажон партия». Кўрсатув ва концерт. 23.40 «Кинокамера билан саёҳат». 00.40 Душанба кўрсатувларининг охири.

22 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг!». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 «Табиат қўриқчилари» олимпиадасининг 3-тури. 12.45 «КПСС XXV съезди делегатлари билан учрашув». 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Қизил майдон». Бадиий фильм. 2-серия. 15.50 «Халқаро панорама». 16.20 А. Бахчиев ва Е. Сорокина чалади. Программада В. Шуберт полонезлари. 16.35 Ёпиқ залларда енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. Мюнхендан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 17.05 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. **Рус тилида:** 17.10 «Искорка». 17.40 Мультфильм. **Москва кўрсатади.** 17.50 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Трактор» 2— 3-даврлар. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Халқ контроли экрани. 20.00 «КПСС XXV съездининг делегати». Андижон машинасозлик заводининг шлифовшчиги Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери М. Н. Егоров ҳақида телевизион очерк. **Ўзбек тилида:** 20.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи —ақлнинг кўзи». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Экран хандаси». **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Офицерлар». Бадиий фильм (ўзб.). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. Болалар учун «Камалак» программаси. **Ўзбек тилида:** 10.20 Светофор». 11.20 Ёш киноҳаваскорлар клуби. 12.20 Сирдарё шаҳар «Ёшлик» ансамбли рақсга тушади (рус.). **Ўзбек тилида:** 12.50 «Улуғ тарих саҳифалари». Бадиий фильм. 14.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Металлург» (Новокузнецк). «Юбилейний» Марказий спорт саройидан олиб кўрсатилади. 3-давр. Ёзиб олинган. 15.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 15.35 Реклама (рус.). **Москва кўрсатади.** 17.05 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Николай Прихно» («Беш йиллик қаҳрамонлари» туркумидан). 17.35 «Мен, биз, комбинат». **Тошкент кўрсатади.** 17.50 «Илмий-техника тараққиёти учун». Ҳужжатли фильмлар программаси. 1. «Оғир машинасозликда сифатни назорат қилиш учун замонавий техника ускуналари». 2. «Тежалган киловаттлар». 3. Целлюлоза қоғоз маҳсулотлари сифатини ишлаб чиқариш назоратидан ўтказадиган приборлар». (ўзб.). 18.50 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа (рус.). **Москва кўрсатади.** 19.15 Мультфильм. 19.25 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Мен — Шаповалов Т. П.». Бадиий фильм. 21.00 «Киносаёҳатчилар клуби». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ўқитувчилар учун консультация (рус.). **Москва кўрсатади.** 22.30 Останкино концерт студияси таклиф этади. 00.30 Янгиликлар.

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади. 16.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 16.35 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти кунига. «Садоқат». 17.55 «Замондошим ҳақида ҳикоя қиламан». 18.45 Реклама. 18.55 «Пелагея ва Алька». Крупская номли Давлат Рус Драма театрининг спектакли. **Қирғиз тилида:** 21.05 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти кунига. «Фронтчи ёзувчилар —бизнинг меҳмонимиз». 21.45 «КПСС XXV съездига меҳнат рапортлари!». 22.00 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 Кўрсатувлар программаси. 22.35 «Шимол рапсодияси». Музикали кинокомедия (рус) 00.05 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

НОВОМОСКОВСКАЯ КЎЧАСИДА ТРАМВАЙ ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

14 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

Қорииёзий кўчасидан ўтадиган

4 ВА 5 МАРШРУТДАГИ ТРОЛЛЕЙБУСЛАР

ҲАРАКАТИ

ЯНГИ ОЧИЛГАН НОВОМОСКОВСКАЯ КЎЧАСИГА (Пушкин кўчасига чиқади)

ҚЎЧИРИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13|II да **Бой ила хизматчи,** 14|II да **Қароқчилар,** 15|II да **Уйланиш** (12.00), **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13|II да **Лақма,** 14|II да **Ажаб саодолар,** 15|II да **Ҳолума хоним** (кундузи), **Слифта** (кечқурун), 16|II да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13|II да **Номзодлар** (16.00), 14|II да **Хазон бўлган баҳор** (17.30).

КИНО

13 ФЕВРАЛДА

Дунё (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Дерсу Узала — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун), «ВОСТОК» (18.30, 21.15), «МОСКВА» (18.30, 20.45), «НУКУС» (17.30, 20.00).

Ивановлар оиласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тонгдан тонггача — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бўлиши мумкин эмас; Афоня — «ҚОЗОҒИСТОН» (кечқурун).

Фавқулодда ҳодиса — «ЧАЙКА» (18.45, 21.45).

14 ФЕВРАЛДА

Дунё (ўзбек тилида) —НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Дерсу Узала — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (11.00, 16.10), «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.15), «МОСКВА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45), «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ивановлар оиласи — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Тонгдан тонггача —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Афоня — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 16.00).

Бўлиши мумкин эмас: Афоня:— «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Фавқулодда ҳодиса —«ЧАЙКА» (13.30, 18.45, 21.15).

Тошкент Давлат циркида

20 МАРТДАН 31 МАРТГАЧА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Томошалар 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача ишлайди.

Кичкинтойлар, каша енг!

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН ГУРУЧДАН, МАННАДАН, ГРЕЧКА, СУЛИ ВА БУҒДОЙДАН ШАКАР ВА СУТ ҚЎШИБ ТАЙЁРЛАНГАН ҚАШАДЕК ФОЙДАЛИ ТАОМ БЎЛМАСА КЕРАК.



Каша ва сутли қоришмалар чақалоқларни 5—6 ойдан бошлаб, кўкрак эммайдиган гўдакларни эса 3—4 ойдан бошлаб овқатлантириш учун мўлжалланган.

Бу маҳсулотлар янги сигир сутидан, қаймоқ, ўсимлик мойи, шакар, болалар овқати учун мўлжалланган ун ва витаминлар қўшиб тайёрланади. Сутли қоришмалар ўзининг таркибига кўра аёлларнинг сутига ниҳоятда яқинлашади. Уларда бола организми учун зарур бўлган мойлар, оқсиллар, углеводлар, минерал моддалар ва витаминлар мавжуд.

Уларда тахминан 18,4 процент оқсил, 35 процент мой, 86,5 процент углеводлар бўлади.

СУТЛИ ҚОРИШМАЛАР ВА ҲАР ХИЛ КАШАЛАР КИЧКИНТОЙЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ УЧУН ЖУДА ҚУЛАЙ.

УЛАРНИ РЕСПУБЛИКА «ГАСТРОНОМ» КОНТОРАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА — «УКРАИНА», «ТОШКЕНТ», «МОСКВА» ВА БОШҚА ГАСТРОНОМЛАРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

РЕСПУБЛИКА «ГАСТРОНОМ» КОНТОРАСИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА»

ТЕЛЕВИЗОР

13 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари». 19.30 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.45 Н. А. Некрасов. «Петербурглик судхўр». Телеспектакль. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ёш ижрочилар концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 XII Қишки олимпия ўйинларида. Хоккей. ФИНЛЯНДИЯ—СССР терма командалари. 00.30 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Алёнанинг жўжаси». Мультфильм. 19.25 «Халқ ижоди». 20.10 «Жасорат». 20.55 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 22.00 «Саноат, савдо, харидор». 22.30 «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Аскания Нова» қўриқхонасида». Биологиядан ўқув кўрсатуви (ўзб.). 19.30 «Жаҳон халқларининг куйлари». 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Мен Тянь-Шанман». Бадиий фильм. 2-серия (ўзб.).

14 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Бор экан, йўқ экан». 11.00 «Ота-оналар, сизлар учун». 11.30 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.00 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3 серия. 13.10 «Сизнинг хонадонингизда». Музикали программа. 13.40 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 14.10 «Здоровье» программасининг почтаси. 14.40 «Нозик иш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. («Беш йиллик қаҳрамонлари» туркумидан). 15.10 XII Қишки олимпия ўйинларида. 16.45 «Музикали календарь». **Тошкент кўрсатади.** 17.25 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 17.30 «Солдатча». Бадиий фильм (рус.). 18.10 «Уйча». Қўғирчоқ театрининг спектакли (ўзб.). 18.55 «Зангори экран» почтаси (ўзб.). **Рус тилида:** 19.20 «Ахборот» информацион программаси. 19.35 «Ота-оналар университети». **Москва кўрсатади.** 20.10 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. **Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида:** 20.55 «КПСС XXV съездининг делегатлари ҳақида ҳикоя қиламиз». 21.05 «Ахборот» информацион программаси. 21.25 Ўзбек куйларидан концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 XII Қишки олимпия ўйинларида. 23.45 «Э. Хиль ижросида А. Островский қўшиқлари». 00.15 Янгиликлар.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. 10.20 «Мушукнинг уйи». Мультфильм. **Ўзбек тилида:** 10.50 Телевизион миниатюралар театри. 11.30 Ота-оналар учун консультация. 12.00 «Ёшлар ижоди». 12.40 «Тамарахоним куйлайди». Фильм-концерт. 13.10 «Иванна ҳужумда». Бадиий фильм. 14.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. **Москва кўрсатади.** 17.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.25 «Л. Чкония куйлайди». Фильм концерт. 19.00 Янгиликлар. 19.15 XII Қишки олимпия ўйинлари. **Тошкент кўрсатади.** 20.10 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). **Москва кўрсатади.** 21.55 «Строговлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили (ўзб.). 22.30 «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 6-серия (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. 17.25 дан **Душанба кўрсатади.**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 33.02.49 дан 33.02.58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—13049. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64579. Нашр В—3011.